



*Ёзёвон туманидаги «Алмаз» ишлаб чиқариш фирмаси паст навли пахта хомашёсини қайта истеъмолбоп қилиб тайёрлайди. Айни пайтда бу ерда 40 нафар ишчи меҳнат қилаётир. Уларнинг унумли ишлашлари, кўнгилли дам олишлари учун шароитлар яратилган.*

**СУРАТЛАРДА: фирма маъмурий биносининг кўриниши; ишчилар Хуршида Исматиллаева ва Соҳибахон Розиқова.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Ижодкорлар боғи

«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ободонлаштириш ойлиги ўтказди. Унинг якуний босқичи ҳамда «Наврўз, экология ва саломатлик» шиори остидаги умумреспублика экологик ҳашари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Нур» гузарида бўлиб ўтди. Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, давлат арбоблари, турли партияларнинг вакиллари ва қатор олий ўқув юртлари талабалари қатнашдилар.

Шу кунларда 60 йиллиги нишонланаётган шоир Абдулла Орипов, Олий Мажлис қўмита раиси Қудайберген Жумабеков, Омон Мухтор, Иброҳим Ғофуров каби ёзувчилар яхши умид билан тупроққа ниҳол қададилар. Ҳашарда талабаларнинг фаол қатнашаётганликлари фахр билан тилга олинди.

Ушбу маскан келгусида рамзий маънода шоирлар ва ёзувчилар боғига айланади. Шанбаликдан тушган маблағ «Экология, оналик ва болалик» дастурини амалга ошириш ҳамда ижтимоий экологик ҳолатни яхшилаш ишларига сарфланади.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Болаларнинг байрам қувончи

**Умумхалқ байрами — Наврўз арафасида мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига Президентимиз номидан совға-салом улашиш, кам таъминланган оилалар, тиббий муассасаларга моддий ёрдам кўрсатиш, нуроний отахон ва онахонлардан кўнгил сўраш, улар учун байрам дастурхони ёзиш яхши анъана бўлиб қолган. Зеро, халқимизга хос бу олижаноб фазилатлар айни мустақиллик йилларида қайта тикланди ва янги мазмун-моҳият билан бойиб бормоқда.**

**Наврўз арафасида Тошкентдаги 21, 23, 24, 3, 104-Меҳрибонлик уйлари болаларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари томонидан совғалар — кийим-кечак, ўқув қуроллари, китоблардан иборат ажойиб туҳфалар тантанали топширилди.**

**Тадбирларда юртимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етиши ҳамиша ҳукуматимиз диққат-эътиборида бўлиб келаётгани, ана шу эзгу мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.**

**Тантаналарда болалар Наврўз байрами учун махсус тайёрлаган мусиқий дастурларини намойиш этдилар.**

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

# ВАТАНИ БОРНИНГ ИЙМОНИ БОР

***«Қайта қуриш» даври эди. Радиода ишлардим. Бўш қолдик дегунча ҳамкасблар тўпланиб, атрофдаги воқеаларга ўзимизча баҳо берардик, собиқ империя парламентининг ўша пайтдаги депутатлари фаолиятини таҳлил қилардик. Ўн етти кишилик муҳаррият жамоаси турли миллат вакилларидан иборат эди.***

Бир куни мунозара жараёнида қаттиқ тортишиб қолдик.

— Сенинг ҳақиқий Ватанинг йўқ, — деди менга корейс йигити Дима Цой кутилмаганда ҳақоратомуз оҳангда.

— Ўзбекистончи! — дедим қизишиб.

— Ўзбекистон мустақил давлат эмас, мустамлака. Мана менинг дунё тан олган иккита корейс Ватаним бор. Хоҳласам унисига, хоҳласам бунисига боришим мумкин.

— Бориб бўпсан, — дедим жаҳлим чиқиб, — сендақаларни унисиям, бунисиям қабул қилмайди.

— Барибир корейсларнинг давлати борлигидан фахрланиб юраман, — деди у.

— Дима ҳақ, — суҳбатга аралашди яҳудий аёл Стелла Сливкина, — мана, биз яҳудийларнинг Исроил деган мустақил давлати бор.

Кўп ўтмай Стелла Исроилга кетиб қолди.

Лекин Дима билан Стелланинг таъна тошлари ўшанда руҳиятимга қаттиқ таъсир қилди. Йўқ, улар Ўзбекистоннинг тузини ичиб, тузлиғига тупурди демоқчи эмасман. Ихтиёр ўзларида, қаерда хоҳлашса шу ерда яшашсин. Мени қийнаган нарса шуки, наҳотки биз ўзбеклар ўз Ватанимизда беватан бўлиб яшаган бўлсак?! Энди мустақиллик таъмини тотиб кўрганимиздан кейин ўйлаб қарасак, шундай бўлган экан.

Биз ўзбеклар, қанчалик кўп ва қанчалик қадимий миллат бўлмайлик, ана шу даврда бошқа бир давлат таркибида мустамлака бўлганмиз. Қуллик, қарамлик, эрксизлик биздаги юртга эгаменлик ҳиссини сўндирди. Хорижда бизни совет фуқароси, совет кишиси, коммунистлар ва руслар сифатидагина танишди. Жаҳон харитасидан ҳатто Ўзбекистон деган мустамлака республика борлигини ҳам билиб бўлмасди. Чунки, СССР деган империянинг қип-қизил ранги ва унинг чегарасини белгилайдиган йўғон қоп-қора чизиқ мустамлака республикаларнинг сохта чегараларини белгилайдиган ҳар қандай рангни ҳам, чизиқни ҳам ютиб юборган эди.

Ўз юртига эгалик ҳиссиётини, ҳақ-ҳуқуқини, шаън-шавкатини қайтариб берган мўъжиза 1991 йилда юз берди. Асрий кутган орзуимиз —Мустақиллик туфайли жаҳон харитасида Ўзбекистон деган давлат пайдо бўлди. Энди унинг ҳудудини ва чегарасини белгилайдиган ранглар жилоси ҳам ўзгача, энди бу рангларни бошқа ранглар ютиб юбора олмаслиги ҳам аниқ. Мендаги ва юртдошларимдаги фахр-ифтихор туйғулари, қувонч ҳиссиётлари чексиз. Шу Ватан меники, барча ўзбекларники. Қани энди, мендаги Ватан ғурурини Дима, Стеллалар бир кўрсайди.

Ўзбеклар, қайси мамлакатда яшашларидан қатъи назар, ватанга меҳр ва юртга эгалик ҳиссини уйғотиш ғоясининг биринчи ташаббускори Ислом Каримов бўлди. Агар эсингизда бўлса Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг орадан атиги бир неча кун ўтгач, 1991 йил 24 сентябр куни Тошкентда жаҳон ўзбеклари (туркистонликлар)нинг биринчи халқаро учрашуви ўтказилганди. Ўшанда Ўзбекистон Президенти хориждан келган ватандошларга қарата шундай деди: «Дунёда ўзбекман деган, туркистонликман деган ҳар бир инсоннинг асл Ватани шу тупроқдир». Залда сокинлик, бироқ сел-сел бўлиб оқаётган кўз-ёшлардан кўнгил бўшайди. Нафақат хориждан келганлар, балки шу ерлик ўзбеклар ҳам йиғларди. Бундай манзарани кўриш насиб этганига шукур.

Ўзбекистон деган мустақил давлат биринчи Президентининг нутқини кўзларида ёш билан ҳаяжондан энтикиб тинглаганлар орасида Америка Қўшма Штатлари, Афғонистон, Австралия, Саудия Арабистони, Туркия, Германия, Сурия, Иордания ва бошқа давлатлардан келган ўзбеклар бор эди. Ўз вақтида тақдир синови уларни дунёнинг турли бурчакларига сочиб юборган. Бирортаси босқинчилик ёки зўравонлик йўли билан ўзгалар ҳисобига яшаш мақсадида кетиб қолгани йўқ. Аксинча, уларнинг юртини босиб олишди ва уларга нисбатан зўравонлик қилишди. Натижада кетишга мажбур бўлишди, бироқ борган жойларида ҳам миллат ор-номусини сақлашди ва ўзларидаги миллий ғурурни сўндиришмади. Ўзбекона одоб, ўзбекона маънавият дегани шуда. Ўзбек қаерда ва қандай шароитда яшамасин, унинг Ватани битта — Ўзбекистон. Қаерда қорни тўйса ўша ерни ватан дегувчилардан, қаерда мол-дунё орттириш имкони бўлса ўша ерни макон қилувчилардан, қаерда бировлар ҳисобига яшаш мумкин бўлса ўша ерда ҳукмронликни даъво қилувчилардан худо асрасин.

Мен баъзан тақдир тақозоси билан хорижга бориб қолган ва Ватанни кўриш учун келганида унинг тупроғини ўпиб, кўз ёшларини селдай тўкадиган ўзбекларни Ўзбекистонда яшаб туриб хориждан нажот излайдиган ёки хорижга бир-икки марта бориб келгач ўзга дунё маҳлиёси бўлиб қоладиган ўзбекларга қиёслайман. Наҳотки, униси ҳам, буниси ҳам ўзбек бўлса дейман. Бири имкон туғилса Ватанни яна бир марта бориб кўрсам деб орзу қилади, бири эса Ватанга тош отиб бўлса ҳам хорижда давру даврон сурсам дейди. Очиғи, орамизда айшу ишратни, бойликни миллий ғурурдан, Ватан тушунчасидан устун қўядиганлар ҳам йўқ эмас. Ўзлигини унутиб, ўзгалар ноғорасига ўйнаётганлар-чи? Ўшалардан худо асрасин. Уларда Ватан бўлмайди.

Мустақиллик шарофати ила ҳар биримиз хорижга чиқиш имкониятига эга бўлдик. Демак, миллат ва Ватан шаънини хорижда ҳам ҳимоя қилишимиз, юртга эгалик ҳиссини ўзгалар олдида ҳам кўрсата олишимиз зарур. Буни айтишдан мақсад шуки, баъзи бир хорижлик фуқаролар, журналистлар, ҳаттоки амалдорлар ҳам Ўзбекистоннинг бугунги мавқеи, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар. Бундан икки йил олдин ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар Миср Араб Республикасида бўлдик. Сафаримиз давомида турли вазирликларнинг масъул ходимлари билан учрашиб, қизиқарли суҳбатлар ўтказдик. Навбатдаги учрашув Миср телевидениесининг халқаро масалалар бўйича энг машҳур сиёсий шарҳловчиларидан бири жаноб Али билан бўладиган бўлди. У телевидениеда кунда-кунаро чиқиш қилиш билан бирга Қоҳира университетида дарс беркан. Университетга, унинг ҳузурига ташриф буюрдик. Котибаси борлигига, хонанинг катталигига ва уни тўлдириб турган креслолар-у мебелларга қараганда оддий ўқитувчи эмаслиги кўриниб турибди.

Мисрлик ҳамкасб билан қуюқ саломлашдик. Биз мулоқотни тажрибали таржимон орқали олиб бордик.

— Қани, меҳмонларда қандай саволлар бўлса, марҳамат, жавоб беришга тайёрман, — деди у.

Биз тўрт киши эдик.

— Менда савол бор, — дедим биринчи бўлиб.

— Марҳамат.

— Айтингчи, сизнингча Ўзбекистон қандай давлат?

— Ўзбекистонми, — деди у талмовсириб, — сизга нима десам экан... ҳалиги Боснияга ўхшаган давлат.

— Нега уни Боснияга ўхшатяпсиз, — дедим сал қизишиб.

— Сабаби ҳали ҳам Россиянинг таъсирида. Россияга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлганлиги учун халқаро майдонда мустақил ҳаракат қила олмайди.

— Бекор гап! Ўзбекистон халқаро майдонда мустақил сиёсат юритишидан мутлақо бехабар экансиз, жаноб Али! — Энди астойдил қизишдим ва савол беришда давом этдим. — Ўзбекистоннинг иқтисоди ҳақида нимани биласиз?

— Мендаги маълумотга қараганда мамлакатингизда пахта етиштирилади, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

— Яна?

— Янами... ҳунармандчилик бўлса керак.

Шерикларим ҳам қизишди.

— Ўзбекистон хорижга самолёт сотишини эшитганмисиз? — деди улардан бири.

— Автомобиллар ишлаб чиқаришини-чи? — сўради иккинчи меҳмон.

— Ўзбекистон нефт ва дон мустақиллигига эришганидан ҳам хабарингиз йўқдир? — ҳайратланди учинчиси.

Жаноб Али ҳаммасига «йўқ» деб жавоб берди ва ўзини ноқулай сезиб, биздан узр сўради.

— Кечиринглар, ҳамкасблар. Мендаги маълумотлар жуда эскирибди, — деди у.

Биз тўртовлон Ўзбекистоннинг мустақил ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий имкониятлари ва юксалиш босқичлари, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва халқаро майдондаги мавқеи ҳақида машҳур сиёсий шарҳловчига тўлиқ маълумотлар бердик. У жуда миннатдор бўлди ва бу маълумотлардан телевидениедаги чиқишларида фойдаланишга сўз берди.

Ватанни жимжимадор сўзлар билан мадҳ этиш бошқа-ю, Ватан тушунчасини қалбдан ҳис этиш ва Ватанни қадрлаш бошқа. Муқаддас Ислом динимизда «Иймон» тушунчасидан кейинги қаторда «Ватан» тушунчаси туради. Шунинг учун ҳам ҳадисда «Ватанни севмоқ — иймондандир» дейилган. Инсонда иймон битта бўлганидек, Ватан ҳам биттадир.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 20 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 167,34 | 10 Испания песети | 18,26 | 1000 Туркия лираси | 0,34 |
| 1 Австрия шиллинги | 22,08 | 100 Италия лираси | 15,69 | 1 Финляндия маркаси | 51,10 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 486,08 | 1 Канада доллари | 217,12 | 1 Франция франки | 46,32 |
| 10 Бельгия франки | 75,31 | 1 Хитой юани | 40,98 | 1 Швейцария франки | 197,82 |
| 1 Голландия гульдени | 137,87 | 10 Люксембург франки | 75,31 | 1 ЕВРО | 303,82 |
| 10 Греция драхмаси | 8,92 | 1 Малайзия ринггити | 89,26 | 10 Жанубий Корея вони | 2,63 |
| 1 Дания кронаси | 40,72 | 1 Германия маркаси | 155,34 | 10 Япония иенаси | 27,66 |
| 1 БАА дирхами | 92,34 | 1 Польша злотийси | 82,47 | 1 Россия рубли | 11,85 |
| 1 АҚШ доллари | 339,16 | 1 СДР | 433,56 | 1 Украина гривнаси | 62,55 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси мажлиси

***Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этиш ҳамда уни тартибга солиш, шунингдек иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлашга доир қарорларнинг ижро этилиши, корхоналарда хорижий валюта тушумлари аҳволи каби бир қанча муҳим масалалар муҳокама этилди.***

***Мажлисни мазкур комиссия раиси, Республика Марказий банки раиси Ф.Муллажонов бошқарди.***

2001 йилнинг ўтган даврида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш кўрсаткичлари мамлакат миқёсида белгиланган даражадан анча юқори бўлди. Муомалага нақд пул чиқариш ҳажми эса кўзда тутилганидан анча паст бўлди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплексига кирувчи вазирлик ва идораларида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликларида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш, савдо ва сервис хизматини ташкил этиш, аҳолини зарур маҳсулотлар ва хизматлар билан таъминлаш борасидаги ишлар аҳволи танқидий кўрилгани ва бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Шу муносабат билан мажлисда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган Чора-тадбирлар дастурини бажариш борасида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига мазкур Дастурнинг ижро этилишини таъминлаш ва ижро жараёнининг бориши устидан мониторинг ўрнатиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, вилоятларга бириктирилган Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси аъзоларининг маҳаллий бозорларни зарур турдаги халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш ҳамда савдо ва пулли хизматлар соҳасини кенгайтириш борасида жойларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Шунингдек, мажлисда ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Назорат бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг шу йил 24 февралдаги мажлисида қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий Комиссиялар фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижро этилиши аҳволи ҳам муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

**(ЎзА)**

Долзарб мавзу

# ХОТИРЖАМЛИККА АСОС ЙЎҚ

## Тошкент шаҳар бозорларидаги санитария аҳволи талабга жавоб берадими?

***Мана бир неча ойдирки, Европанинг кўпчилик мамлакатларига тобора кенг ёйилаётган оқсим (ящур) касаллиги тўғрисида оммавий ахборот воситалари пешма-пеш хабарлар бермоқда. Айниқса, Англия, Франция ва бошқа кўплаб давлатларда бундай касаллик кенг тарқалиб, ноxуш эпидемиологик ва эпизоотологик вазиятни юзага келтирган.***

Тўғриси, мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги ҳали мазкур касаллик тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмас. Шу боис биз бу тўғрида яна бир бор одамларни хабардор қилишни лозим деб ҳисоблаймиз. Рус тилида касаллик ящур деб номланади. У асосан уй ҳайвонлари (қорамол, қўй, эчки ва чўчқалар)да учрайди ва улар орқали одамларга юқиши мумкин. Оқсим уларнинг гўштидан ҳам кўпроқ сути ва сутидан тайёрланган маҳсулотлар (сариёғ, пишлоқ, қатиқ, қаймоқ, сметана, сузма ва ҳоказолар)дан инсонга юқади.

«Илгари ҳам республикамизда оқсим касаллиги қайд этилганми, агар бўлса қачон?» деган савол туғилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасадди раҳбарларининг берган маълумотларига кўра одамлар ўртасида ушбу касаллик 40 йилдан бери кузатилмаган. Уй ҳайвонлари орасида эса охирги марта 1989 йили рўйхатга олинган. Касалликнинг вақтида олди олинган ва тарқалишига йўл қўйилмаган. Ҳозир мамлакатимизда у аҳоли ўртасида ҳам, чорвачиликнинг жамоа ва хусусий секторида ҳам йўқ.



*Суратдаги икки йигит ҳам гўшт сотмоқда. Бу ердаги санитария-гигиена қоидаларига қандай риоя қилинаётганига ўзингиз баҳо беринг.*

Хўш, республикамиздан бир неча минглаб чақирим узоқликда жойлашган мамлакатлардаги бу касалликнинг бизга ҳам кириб келиши мумкинми? Агар эҳтимоли бўлса, у асосан нималар орқали келади, манбалари нима? Мутахассисларнинг маълумотларига кўра касаллик четдан гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари орқали келиши мумкин.

Ҳукуматимиз буни ўз вақтида ҳисобга олиб, нафақат Европа мамлакатларидан, балки кўпгина хорижий давлатлардан ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинишини ўтган йилнинг 4 декабридан бошлаб тақиқлади. Айни пайтда дўконларда сотилаётган хориж маҳсулотлари ҳукумат фармойишидан илгари олиб келинган. Ҳозир республикамиздаги 220 та божхона постида санитария-карантин масканлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда малакали ходимлар нафақат четдан олиб келинган озиқ-овқат маҳсулотларини, балки одамларнинг ҳолатини ҳам назоратдан ўтказишаяпти.

Лекин бундай чора-тадбирлар бизда ҳамма нарса жойида, касалликнинг олди олинган, чегаралар мустаҳкам деб хотиржамликка берилишга асос бўла олмайди. Боиси ўтган йили қўшни Қозоғистонда, бу йил Қирғизистонда оқсим касаллиги бир неча марта қайд этилди. Мазкур қўшни республикалар билан чегаралар минглаб чақиримга чўзилганлиги, уларнинг очиқлигини ҳисобга олсак, ҳушёрликни янада оширишни тақозо қилади.

Биз ўтган ҳафтада, аниқроғи, 16 март куни пойтахтимизнинг бир неча бозорларида бўлиб, у ердаги аҳвол билан танишдик. «Эски жўва деҳқон бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг гўшт расталари кундуз соат 12 лар атрофида одамлар билан гавжум. Бозор маъмурияти томонидан қурилган усти ёпиқ жойдаги расталарда қассоблар, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар, қази гўштини қоғозга ўраб, энг яхши деб сотаётганларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бири харидорга гўшт беряпти, бири харидорни ўзига чорлаяпти. Биз Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим бошлиғи Шуҳрат Юсупов ва санитар врач Дилшод Алимуҳамедов билан бозор раҳбарларини огоҳлантирмасдан «рейд» ўтказдик.

Маълум бўлишича, гўшт сотаётганларнинг кўпчилиги якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар бўлиб чиқди. Улар гўштни аэропорт яқинидаги улгуржи бозордан олиб, майдалаб сотишмоқда. Тадбиркорлар гўшт қайси вилоятдан олиб келинган, моллар нима билан боқилган, умуман жониворлар касал бўлганми-йўқми билишмайди. Энг афсусланарлиси, уларнинг баъзиларида сотилаётган гўштнинг ишончлилигига кафолат берувчи ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси маълумотномаси йўқ. Масалан, 0610492 рақамли гувоҳнома эгаси Усмон Исроилов, 0916112 гувоҳнома эгаси Умид Содиқов ва растанинг 336-жойида савдо қилаётган Абдуғани Иноғомовларнинг сотаётган гўшти ветеринария назоратидан ўтказилмаган. Бизнинг «Ахир, бу савдо қоидасига хилоф-ку?» деган саволимизга улар маълумотномани энди олишини ёки бошқа сабабларни, важ қилиб кўрсатишди. Ваҳоланки, улар эрталабдан бери савдо қилишмоқда.

Бундай аҳволни қази сотаётганлар орасида ҳам учратдик. Уларнинг баъзилари яқинда келганлигини ёки «қази меники эмас, илтимос қилганди, қараб турибман, эгасини танимайман» деб турли баҳоналарни рўкач қилишди. Бозорда бир кунда 500 дан ортиқ киши қассобчилик билан шуғулланиб, 25 тоннадан ортиқ гўшт сотиляпти. Шулар орасида касаллик келмайди, деб ким кафолат беради? Биз бунга аниқлик киритиш мақсадида бозор ва шу ердаги санитария-ветеринария экспертиза лабораторияси раҳбарларига мурожаат қилдик. Улар гўшт бозори бу жойда вақтинчалик эканлиги, яқин кунларда у замонавий мажмуага кўчирилиши режалаштирилаётганлиги, шу билан бирга кечаси соат 12 дан кейин бозорга гўшт олиб келиниши, шу боис уларни тартибга олиш амалда қийинлиги, расталарнинг ён-атрофи очиқлигини, кейин гўшт олиб келувчилар кўплиги боис, маҳсулотнинг бир қисмини яширишга ҳаракат қилишини айтишди.

Тўғри, бозор катта, одам ҳам, сотувчи ҳам кўп. Лекин тартиб ўрнатиш, сотилаётган ҳар бир гўшт маҳсулотини врач кўригидан ўтказиш зарур. Назоратдан ўтмаган гўштни эса сотишга рухсат бериш ҳаёт учун хавфли.



*Эски Жўва бозоридаги гўшт сотувчиларда махсус кийим-бошнинг ўзи йўқ...*

Олой — шаҳримизнинг энг катта бозорларидан бири. Бу ерда гўшт сотиш шохобчалари махсус қурилган дўконларда жойлашган. Яратилган шарт-шароит санитария қоидаларига тўла жавоб беради. Барча қассобларда гўштнинг врач назоратидан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома бор. Ишни яхши йўлга қўйганлиги учун бозор раҳбариятига раҳмат айтиш керак. Лекин айрим хусусий дўконларда сотилаётган чет элдан олиб келинган сут маҳсулотларининг сертификат қоғози йўқлиги таъбимизни хира қилди. Масалан, «Балиқ ва озиқ-овқатлар» савдо мажмуаси энг замонавий тарзда қурилган. Сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам яратилган шарт-шароит, маҳсулотларнинг совуткичларда сақланаётганлиги бу ерда савдо маданияти анча юқори даражада эканлигини кўрсатади. Аммо хусусий тадбиркор Лариса Сидоренкога тегишли жойда савдо қилиб турган киши Голландия пишлоғи ва Россия сариёғининг сертификат қоғозини кўрсата олмади. Яна бир жойда Болтиқбўйи республикасидан олиб келинган сариёғнинг ҳам шундай қоғози йўқлиги маълум бўлди. Тадбиркорларнинг айтишича маҳсулотлар Ўрикзор даҳасидаги улгуржи бозордан кам миқдорда сотиб олинганлиги боис сертификати йўқ. Бозордаги ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси врачларининг айтишича, уларнинг сертификатсиз маҳсулотларни сотувдан олиб қўйишга ваколати йўқ.

Хуллас, рейдимиз давомида учраган бундай камчиликлар жузъий бўлса-да, уларни жиддий деб қабул қилиш лозим. Чунки бу ишда камчиликнинг каттакичиги бўлмайди. Ҳушёр бўлишимиз, одамларнинг ҳам талабчанлигини оширишимиз керак. Тўғри, ҳозир бизда касалликнинг белгилари йўқ. Лекин бу бамайлихотир бўлишга, хотиржамликка берилишга сабаб бўла олмайди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ,**
**(Суратлар)**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Ёшлар — Ватан таянчи

# «Ғайратбек» ғиштига барча харидор

— Ҳозирги пайтда меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш ўткир муаммолардан бирига айланиб турибди, — дейди Янгийўл туманидаги "Ғайратбек" хусусий корхонаси раҳбари Ғайратбек Азимов.—Биз ана шундан келиб чиққан ҳолда, корхонамизда янги иш ўринларини яратиш бўйича 2001-2005 йилларга мўлжалланган аниқ дастурни ишлаб чиқдик. Унга кўра, келгуси беш йил мобайнида 3000 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари янги иш ўринлари билан таъминланиши керак. Бунинг учун ҳозирданоқ барча имкониятлар ишга солиняпти. Олинган фойданинг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтириляпти. Хусусан, "Наврўз" байрами арафасида ёрдамчи хўжалик сифатида бир гектарлик иссиқхона, шағални қайта ишлаш ва темир бетон цехлари ишга туширилади. Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида эса "Назарали" жамоа хўжалигида яна бир қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кичик корхона фойдаланишга топширилади. Айни кунларда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб борилмоқда. Юқоридаги объектларни тўлалигича ишга туширсак, 200 нафар ишчи-хизматчи ёнига яна 300 нафар киши келиб қўшилади.

Бундан ташқари, туман ҳокимлиги билан аҳолига уй-жой қуриб бериш юзасидан музокаралар олиб боряпмиз. Агар икки томонлама келишувга эриша олсак, корхона ичида яна бир янги корхона пайдо бўлади. Бу —ўнлаб ёшлар ишга жалб этилади, дегани.

— Мавриди келганда, яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим, — сўзида давом этади Ғайрат ака. — Айрим пайтларда орқаваротдан "Қорнинг тўқ, устинг бут, бунинг устига, рўзғорингни тебратиб турадиган кичик корхонанг бўлса, ўзингга ортиқча ташвиш орттириб нима қиласан?" деган гапларни эшитиб қоламан. Бошқаларни билмайман-у, аммо мен асли маънавият соҳасидан, аниқроғи, оддий қишлоқ ўқитувчисидан чиққанлигим учунми, бундай қарашларни ҳечам қабул қилолмайман. Тўғри, илк бор тадбиркор бўлиш ниятида юрган пайтларимда менинг ҳам орзуим борйўғи биронта кичик корхона қуриб олиш эди. Эндиликда эса ана шу орзу - мақсадлар вақт ўтиши билан янгича тус олиб, "Аввал мен ким эдим-у, энди ким бўлдим? Лоақал мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, юртимга, ҳамқишлоқларимга камарбаста бўла оламанмикин?" деган саволлар тинчлик бермай қўяркан. Тўғри-да, ахир қишлоғимиздаги қанчадан-қанча ёшлар ҳалигача тузукроқ бир ишнинг этагини тутмаган. Шунинг учун уларнинг бошини бир жойга бирлаштириш, фойдали ишларга жалб этиш нафақат туман ҳокимлигига, балки биз, тадбиркорларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг: агар туманимиздаги барча мулкдорлар бу эзгулик йўлида бошқош бўлсалар, ягона мақсад сари бир тану бир жон бўлиб бирлашсалар, ўйлайманки, ёшларимиз ҳеч қачон назоратсиз қолмайди, ножўя ишларга қўл урмайди. Аксинча, улар элу юрт фаровонлигини таъминлаш учун хизмат қиладилар, Ватан таянчи бўладилар.



— Бугунги кунда корхонамизда меҳнат қилаётганларнинг қарийб 90 фоизи 30 ёшгача бўлган қишлоқ ёшларидир, — суҳбатга қўшилди бош директорнинг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Эътиборхон Маҳкамова. — Биз уларнинг унумли меҳнат қилишлари, завқли машғулотлар билан шуғулланишлари учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, уларга уй-жой қуриб олиш учун қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотларини ярим нархда сотяпмиз. Бепул тушлик билан таъминлаб, ойига ўртача 25 минг сўмдан иш ҳақи бериб боряпмиз. Бундан ташқари, ўтган йили корхонамизда меҳнат қилаётган Абдурашид Фозиловга уй-жой олиб бергандик, бу йил Володя Макиенкога ҳам янги уй-жой калитини тантанали равишда топширмоқчимиз.

Ғайратбек Азимов, ўзи айтганидек, 1997 йилга қадар "Ниёзбош" жамоа хўжалигидаги мактабда оддий ўқитувчи бўлиб ишлади. Янгийўл шаҳридаги "Ўткирғиштинвест" хусусий корхонаси раҳбари Ўткир аканинг ишлари билан яқиндан танишгач, тадбиркор бўлиш орзуси кўнглини банд этди. Қарангки, инсон бир нарсани астойдил истаса, чин дилдан хоҳласа, бунинг учун кишида изланиш, интилиш бўлса, албатта, ниятига етаркан. Беш ака-ука 40 нафар қишлоқ йигити билан биргаликда дастлаб кичик цех қуриб, ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Кейин цехлар кенгайтирилди. Натижада 1998 йилда икки миллионта ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 5-6 баравар ўсди.

Муҳими, корхонада тайёрланаётган қурилиш материаллари ўта сифатли. Шу боис унга нафақат қўшни вилоятларда, балки хорижлик тадбиркорлар орасида ҳам харидорлар беҳисоб. Жумладан, Янгийўлдаги битта, Гулистон шаҳридаги 3 та коллеж айнан ана шу корхона маҳсулотидан қад ростлаган бўлса, Чиноз тумани ва Сурхондарё вилоятида барпо этилаётган Ўзбекистон — Туркия қўшма корхоналари ҳам ғишт учун "Ғайратбек" хусусий корхонасига буюртма бераётир. Даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Бу эса ўз навбатида корхона маъмуриятининг хайр-саховат ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратишларига имконият яратди. Масалан, ўтган йили бу мақсадлар учун қарийб 6 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди.

Уч йил аввалги кичик корхона бугун тумандаги энг йирик корхона мақомига эга.

— Албатта, корхонани шу даражага олиб чиқиш ўз-ўзидан бўлмади, — дейди Ғайрат ака. — Чунки кўпчиликка раҳбарлик қилиш, айримлар ўйлаганидек, осон иш эмас. Сабаби — илгари бир неча кишидан иборат оиламгагина бош бўлган бўлсам, эндиликда менинг қўлимга қарийб икки юз нафардан зиёд қора кўз тикилиб турибди. Гоҳида шундай пайтлар бўладики, ўзимдан бир неча ёш катта бўлган ишчи-хизматчиларимнинг оилавий масаласига раҳбар сифатида аралашаман. Шундай экан, уларга зарур шароитларни яратиб бериш бизнинг вазифамиздир.

Мазкур корхонада ишчи-хизматчилар келажакка ишонч билан қарашлари учун улар билан бир неча йилга мўлжалланган меҳнат шартномаси тузилган. Бундан ишчи ҳам, корхона ҳам манфаатдор. Негаки, ишчи доимий иш ўрнига эга бўлса, корхонада эса кадрлар қўнимсизлигининг олди олинади, юқори кўрсаткичга эришилади.

Кичик корхонанинг катта ишлари билан танишарканмиз, қишлоқ ёшлари учун яратилаётган шароитларни кўриб бир қувонсак, ёшлар жамоасининг иқтисодиётимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссасидан ўн чандон хурсанд бўлдик.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**СУРАТДА: корхона ҳаётидан лавҳа.**

## Илмий семинар

# Ўзбекистон энергетикаси — XXI асрда

Аҳолини ва республика иқтисодиётини ёқилғи ва электр энергияси билан таъминлашни барқарорлаштириш — ҳозирги тараққиётнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу вазифани ҳал этиш эса фақат ёқилғи-энергетика мажмуасининг муаммоси бўлиб қолмай, шу билан бирга, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ходимларига, жумладан, истеъмолчиларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Чунки мавжуд ёқилғи ва электр энергияси салоҳиятидан оқилона ҳисоб-китоб билан фойдаланиш ҳам таъминотда кўп нарсани ҳал этади. Бу вазифалар давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга доир маърузаларида, шунингдек шу йилнинг 22 февралида эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармонида ҳам ўз ифодасини топган.

Дунё амалиёти кўрсатадики, халқ хўжалигини ёқилғи ва электр энергияси билан таъминлашни барқарорлаштиришда тежамкорликка амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Тежамкорлик йўлидан борилса, халқ хўжалигини ёқилғи ва электр энергияси билан таъминлашга сарфланадиган инвестиция миқдори ҳам 2-4 баробар ҳажмда камаяди. Хуллас, ёқилғи-энергетика ресурсларини, ишлаб чиқаришни кенг кўламда йўлга қўйиш жамиятнинг энергетикага бўлган эҳтиёжини қондиришнинг ягона йўли бўлиб қолмай, ёқилғи ва электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланишга ўтиш, самарадорликни кучайтириш ҳам — XXI асрдаги энг устувор вазифалардан биридир. Мавжуд заҳираларни асраб-авайлаш, унга оқилона муносабат мамлакат келажаги учун ҳам зарур.

Шу йилнинг 16 март куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Ўзбекистон энергетикаси — XXI асрда» мавзуида бўлиб ўтган илмий семинарда худди шундай қарашлар илгари сурилди.

Семинарда Ўзбекистон энергетикасининг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантириш имкониятларига бағишланган ўндан кўпроқ маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. Унда мутахассис олимлардан ташқари соҳага тегишли вазирликлар, бошқармалар, «Ўзбекнефтгаз» МХК вакиллари ҳам қизиқарли маърузалар билан қатнашдилар.

Маърузаларда якдил таъкидланганидек, шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ва бевосита ташаббуси билан амалга оширилган улкан дастурий чора-тадбирлар ўзининг самарасини бериб, ўтган йилларда республикамиз ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришди, нефт-газ тармоғини янада юксалтириш имкониятлари вужудга келди, халқимизни, айниқса, қишлоқ аҳолисини газ, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш даражаси бир неча бор ўсди.

Шу билан бирга, семинар иштирокчилари айтганидек, сўнгги йилларда иқтисодиётнинг кўпгина соҳаларида ёқилғи ва электр энергиясидан фойдаланишда исрофгарчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Ҳаёт иқтисодиётни бирламчи зарур энергия ресурслари билан таъминлашнинг узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқишни кун тартибига қўймоқда. Ўрта Осиё республикалариаро энергетика соҳасидаги интеграция жараёнида бузилишлар рўй беряпти. Шунингдек, иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш соҳасида замонавий технологиялардан фойдаланиш қониқарли даражада эмас. Электр энергиясидан фойдаланишни қонунчилик асосига қўйиш ва электр энергиясини сотишда рақобат механизмини кучайтириш зарур.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда, XXI асрда республикада энергетикани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқларида электр энергиясидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, тежамкорликни таъминлашга қаратилган дастурий фаолиятни йўлга қўйиш, энергиянинг муқобил янги манбаларини ривожлантириш, Ўрта Осиёда давлатлараро нефт-газ, сув-энергетика манбаларидан фойдаланиш соҳасида барқарор ҳамкорликка эришиш, шу мақсадга қаратилган минтақавий конференциялар ўтказиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**М. САФАРОВ.**

# ШАРТНОМАЛАР

### Қурилиш ва транспорт мажмуи таркибига кирувчи корхоналарда унинг ижроси қай аҳволда?

Адлия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги семинар йиғилишда, асосан, ана шу ҳақда гап борди.

Семинарда таъкидланганидек, бугунги кун режали тизимдан воз кечишни, аксинча шартнома воситасида иш юритишни тақозо этмоқда. Лекин шартнома тузиш ва уни ижро этиш борасида талайгина камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.- Кўпчилик буни ҳуқуқий ва иқтисодий билимнинг камлиги билан изоҳламоқда.

Масалан, қурилиш ташкилотларидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб кетишига буюртмачи бажарилган иш учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида қилмаётгани ҳамда пудратчининг буюртмани белгиланган муддатда ижро этмаётгани сабаб бўляпти. Баъзи ҳолларда эса пудратчи шартномани тўлиқ тузмаяпти, буюртмачининг тўлов қобилиятини етарли ўрганмаяпти.Оқибатда икки томон ўртасида турли номутаносибликлар келиб чиқмоқда.

Маълумотларга қараганда ўтган йили 6333 та шартнома ноқонуний ёки нотўғри тузилган.Масалан, Сирдарё вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси пудратчилар билан буюртмачи сифатида шартномаларни расмийлаштирганда тарафларнинг манфаат ва имкониятларини инобатга олмаган. Бундан ташқари, шартномада белгиланиши керак бўлган шартлар тегишли ҳужжатларда қайд қилинмаган, томонларнинг мулкий жавобгарлигини белгиловчи жарима миқдорлари кўрсатилмаган.

Семинарда,асосан, шартнома тузиш, уни ижро этишда йўл қўйилаётган хато, камчиликлар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида фикрлашиб олинди.

**Музаффар НОРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Компания ва фирмалар раҳбарлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг**

**«ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ**

**РАҚАМЛИ АХБОРОТ ТЕЛЕВИЗИОН КЎРСАТУВ МАЖМУИ, КОМПЬЮТЕР ВА ПЕРИФЕРИЯ ЖИҲОЗЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА**

**ОЧИҚ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумот олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 75-уй. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги биноси. Тел.:68-75-10, 68-25-51, 68-24-36. E-Mail: Secretary@mfer.uz.

3952



**ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ ҲАМДА ФРАНЦИЯНИНГ МИЛЛИЙ ЎРТА ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ КЎМАК МАРКАЗИ**

**2001 - 2002 йилларда Францияда ижтимоий ва гуманитар фанларни ўрганувчи талабалар учун стипендиялар танловини эълон қилади**

**Танловда** олий маълумотга эга ёки жорий йилда фалсафа, тарих, социология, сиёсий ҳамда иқтисодий фанлар (менежмент, бизнес, маркетинг бундан мустасно) бўйича олий ўқув юртини тамомлаш арафасида турган Ўзбекистон фуқаролари иштирок этишлари мумкин. Хорижда бир йилдан ортиқ вақт мобайнида таълим олиб ёки малака ошириб қайтган шахслар танловга қўйилмайди.

**Мазкур стипендиялар дастури** йўл ҳақи, ўқиш, турар жой, овқатланиш харажатлари ва тиббий суғуртани ўз ичига олади.

Тўлиқ бўлмаган, факс ёки электрон почта орқали юборилган ва шунингдек, номзодлар томонидан тўғридан-тўғри ўзлари танлаган университетга юборилган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

**Танлов иштирокчилари** 2001 йил 6 апрел, жума куни Франция университетларида ўқиш учун француз тилидан лингвистик тест топширадилар. Мазкур тест синовларидан муваффақиятли ўтган номзодларгагина танловнинг кейинги босқичларида иштирок этишга рухсат берилади.

2001 йил 15 июнда Франциянинг Миллий ўрта ва олий таълим кўмак маркази ҳамда Ўзбекистон Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси экспертларидан иборат ҳайъат аъзолари биринчи босқич ғолиблари билан учрашиб, якуний танловни ўтказадилар.

Танлов натижаси билан эса номзодлар 2001 йил июн ойининг охирида танишадилар.

2001 йил июл, август ва сентябр ойларида Францияда ўқийдиган номзодлар Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Тошкентда ташкил қилинган ва маблағ билан таъминланган француз тилини ўрганиш жадал курсларида («Альянсе Франсез») иштирок этиш ва француз тилидан билимларини такомиллаштириш имконига эга бўладилар.

Мазкур дастурга тааллуқли барча маълумотларни ва анкеталарни Ўзбекистон Очиқ жамият институти кўмак жамғармасидан ёки Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасидан олишингиз мумкин.

**Талаб қилинган барча ариза ва ҳужжатлар 2001 йил 30 мартгача қуйидаги манзилга топширилиши керак:**

**Ўзбекистондаги Франция элчихонаси Маданий алоқалар ҳамкорлиги хизмати тил ва таълим ҳамкорлиги бўлими, 700047, Тошкент, Охунбобоев кўчаси , 25-уй. Жаноб Жерар Барбарэга.**

**Дастур тўғрисидаги қўшимча маълумотлар учун қуйидаги шахсларга мурожаат этишингиз мумкин:**

**Камолиддин Диёров.**
**Ўзбекистон Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси**
**700031, Тошкент шаҳри,**
**«Зарбоғ» кўчаси, 31 -уй.**
**Тел.: 152-27-41, 152-39-15, 152-36-98,**
**факс: 120-68-54,**
**электрон почта: kamol@osi.uz**
**site web: www.osi.uz**

**Жерар Барбарэ.**
**Ўзбекистондаги Франция элчихонаси**
**700100, Тошкент шаҳри,**
**«Жийдазор» кўчаси, 31-уй.**
**Тел.: 120-69-71, 54-43-55,**
**факс: 120-69-71,**
**электрон почта: gerard. barbaray@diplomatie.fr**

3876



**ИНСТИТУТ ОТКРЫТОЕ ОБЩЕСТВО ФОНД СОДЕЙСТВИЯ - УЗБЕКИСТАН И НАЦИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР СОДЕЙСТВИЯ УНИВЕРСИТЕТАМ И ШКОЛАМ (ФРАНЦИЯ)**

**объявляет конкурс для студентов на учебу во Францию по гуманитарным и социальным наукам в 2001-2002 гг.**

В конкурсе могут участвовать граждане Республики Узбекистан, постоянно проживающие в этой стране (кандидаты, находящиеся временно вне территории страны на период, не превышающий три месяца, считаются его постоянными жителями), имеющие университетский диплом или на стадии получения диплома, в течение текущего года по следующим дисциплинам: философия /история/, социология /политические науки/, экономика *(данный предмет касается только теоретической экономики).* Лица, проходившие стажировку ранее или проучившиеся больше года в каком-либо иностранном университете, на конкурс не допускаются.

Данная стипендиальная программа включает в себя транспортные расходы туда и обратно, а также проезд в поезде до назначенного университета, расходы по обучению и страховку, ежемесячное пособие для оплаты жилья, питания и для карманных расходов.

Неполные заявки или отправленные электронной почтой или факсом приняты не будут.

**ОТБОР КАНДИДАТОВ ОСУЩЕСТВЛЯЕТСЯ СЛЕДУЮЩИМ ОБРАЗОМ:**

***1. 6 апреля 2001 года для кандидатов проводится тестирование для выявления уровня знаний французского языка.***

***2. 15 мая 2001 года документы, признанные удовлетворительными, будут направлены в CNOUS в Париж, которая осуществит первый отбор среди лучших кандидатур.***

***3. 15 июня 2001 года Комиссия экспертов из Национального центра содействия университетам и школам и Института Открытое Общество Фонда содействия - Узбекистан прибудет в Ташкент для встречи с первично отобранными кандидатами и для проведения окончательного отбора.***

***4. О результатах данного отбора кандидаты будут осведомлены в конце июня 2001 года.***

***5. В течение июля, августа и сентября кандидаты, окончательно отобранные для учебы во Франции, будут проходить интенсивный курс обучения французскому языку в "Альянсе Франсез" в г. Ташкенте, организованном и финансируемом Посольством Франции в Узбекистане.***

***Вы можете получить анкету для участия и дополнительную информацию по этой программе в Институте Открытое Общество Фонда содействия — Узбекистан или в Посольстве Франции в Ташкенте (см. адреса ниже).***

**Полный перечень необходимых документов должен быть сдан до 30 марта 2001 года в:**

**Посольство Франции в Узбекистане, Культурная Служба (BCLE) господину Жерару Барбарэ 700047, Ташкент, ул. Ахунбабаева, 25.**

**За дополнительной информацией обращаться:**

**Координатор программы Стипендии**
**Камолиддин Дияров**
**Институт Открытое Общество Фонд содействия - Узбекистан**
**700031, г. Ташкент,**
**ул. Зарбог, дом 31. Тел.: 152-27-41, 152-39-15, 152-36-98 факс 120-68-54.**
**Электронная почта: kamol@osi.uz**
**site web: www.osi.uz**

**г-н Жерар Барбарэ- БСЛЕ**
**Посольство Франции в Узбекистане**
**700100, г. Ташкент,**
**ул. Жийдазор, 31.**
**Тел.: 120-69-71, 54-43-55,**
**факс 120-69-71.**
**Электронная почта: gerard. barbaray@diplomatie.fr**

3876

# Савобларга эш дунё

Бу сафарги Янги йил оқшомида онаизор мижжа қоқмай тонг оттирди. Ҳар бир хонадонда шоду хуррамлик. Фақат Маҳбубанинг ичига чироқ ёқса ёришмайди. Икки йил муқаддам умр йўлдоши Маъмуржон 25 ёшида бевақт дунёдан кўз юмганида ҳам хонадонида ана шундай мотамсаролик ҳукм сурган эди.

Маъмуржоннинг тўнғич ўғли Санжаржон ажал билан олишиб ётибди. Дам ҳаво етишмаслигидан, дам кўкрагидаги аламли оғриқдан нола қилади.



2001 — Оналар ва болалар йили

Эртасига Санжаржон Тошкент болалар тиббиёт институти юрак жарроҳлиги бўлимига ётқизилди. Бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Бобур Солиев касални яна бир текширишдан ўтказди. Ҳамкасблари билан маслаҳатлашди. 4 январ куни операция қилишларини маълум қилди.

Соат 11ларда ҳамширалар Санжаржонни онаси бағридан олиб, жарроҳлик хонасига олиб кетдилар. Дақиқалар секинлик билан ўтмоқда. Онаизор гоҳ соатга қарайди, гоҳ ўғлининг тақдирини ўйлайди, гоҳ атрофидаги қадрдонларига термулади. Соат гўё тўхтаб қолгандек. Гўё дард чекиб ҳориган Санжарнинг юраги ҳам тўхтаб қолаётгандек.

Маҳбубага тасалли беришади. У эса гап-сўзларга бефарқ қарайди. Дунё кўзига тор. Оҳ, она-я! Сени Оллоҳ нақадар меҳрибон қилиб яратган экан! Бирор ходим операция хонасидан чиқса, унга нажот тилагандек кўзлари жовдирайди. Баъзан сесканиб кетади.

Ана шундай оғир дамлар уч соат давом этди. Бош жарроҳ табассум билан Маҳбуба ва унинг яқинлари олдига келиб, «Умри узоқ бўлади ўғлингизни, у операциядан яхши чиқди. Тинчланинглар, энди дам олинглар», деди...

Бўлажак шифокорнинг ёшлиги киндик қони тўкилган Андижон шаҳрида ўтди. Андижон Тиббиёт олийгоҳини «аъло» баҳоларга битирди.

Инсонлар соғлиғини сақлаш учун тинмай изланди. 1988 йили Москвага бориб, 1995 йилгача у ерда ҳам ишлади, ҳам илм билан шуғулланди.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ишларига эътибор кучайди. 1998 йили Ўзбекистонда болалар юрак хасталигини даволаш ва ёрдам бериш учун АҚШнинг Сорос фондининг моддий ёрдами ҳисобига режа тузилди. Шу фонд ҳисобидан мамлакатимиздан истеъдодли 7 мутахассис Тбилиси ва Санкт-Петербург шаҳарларида малакаларини ошириб келди. Улардан бири Санжарни операция қилган бош жарроҳ Бобур Солиевдир.

Тошкент болалар тиббиёт институти юрак жарроҳлиги бўлимида 2000 йилда ёш олим Бобуржон раҳбарлигида 200 га яқин бола операциядан чиққан ва соғ-саломат оналари бағрида яйраб яшамоқдалар.

Мустақиллик боис мамлакатимизда истеъдодли ёш мутахассислар тобора кўпаймоқда. Улар ҳар соҳада ўз салоҳиятларини кўрсатмоқдалар. Ёш олим, тиббиёт фанлари номзоди, эл назарига тушган моҳир юрак жарроҳи Бобуржон Солиев ва унинг элига, халқига қилаётган хизмати ниҳоятда савоблидир.

**Карим ЮСУПОВ,**
**Тошкент самолётсозлик заводи кекса ишчиси.**
**Мирвоҳид МИРУСМОНОВ,**
**Баҳром ЯҲЁЕВ,**
**Нўъмон ЯҲЁЕВ,**
**пенсионерлар.**



# Ҳосил тараддуди

*Сирдарё вилоятида бу йилги ҳосил учун пухта замин яратилмоқда. Вилоят «Ўзагрокимётаъминот» бирлашмаси томонидан далаларга кимёвий ўғит сепиш ишлари қизғин тус олган. Бирлашма мавжуд 89,0 минг гектар ғалла майдонининг ҳар гектарига 100-110 килограммдан фосфорли, азотли ўғит бераяпти. Айни чоғда далаларда 9 та самолёт ва хўжаликларга қарашли бўлган 137 та «НРУ — 0,5» ер усти агрегатларидан ўғитлаш ишларида унумли фойдаланилмоқда.*



СУРАТЛАРДА: (чапдан) вилоят «Ўзагрокимётаъминот» бирлашмаси раиси муовини Алишер Пиримқулов, «АН — 2» самолёти учувчиси Димитрий Хромин, Сайхунобод тумани «Бўстон» ширкатлар уюшмаси бош ҳосилоти Абдусамат Холиқназаров ва автотехник Вячеслав Начинов кимёвий ўғит сепиш майдонларини белгиламоқда; «АН — 2» самолётига кимёвий ўғит юкланмоқда.

**Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**


## ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АҲОЛИСИ УЧУН БАҲОР БАЙРАМЛАРИ АРАФАСИДА АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН ҚУЙИДАГИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ҚЎЙИЛМАНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**“Наврўз” қўйилмаси** — пуллар йилига 70% даромад тўлаш шарти билан 12 мартдан 23 мартгача (30 кунлик муддатга) қабул қилинади.

1991 NBU 2001 National Bank of Uzbekistan

**Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки сармоянгиз даромад келтириши ва сақланишига кафилдир.**

Қўшимча маълумотларни сиз қуйидаги телефонлар орқали (99871) 1376283, 1376281 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.





*«Ericsson» kompaniyasi O`zbekistonnning barcha aholisini Navro`z — Bahor bayrami bilan tabriklaydi.*

*Har bir oilaga tinchlik, sog`liq va farovonlik tilaydi!*

ERICSSON

# «З А М И Н»

## ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК ИПОТЕКА БАНКИ

*Ўзбекистон халқини яшариш айёми — Баҳор байрами билан табриклайди.*

**Ўз жамғармаларини самарали қўйиб, уни кўпайтиришни хоҳловчилар учун «Замин» банки қуйидаги омонат турларини таклиф этади:**

**ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА** — йилига ***18%,*** фоиз тўловлари ҳар ойда.

**МУДДАТЛИ «ЗАМИН»** — 3 ойлик, йилига ***33%,*** 6 ойлик, йилига ***35%,*** 12 ойлик, йилига ***37%.*** Фоиз тўловлари ҳар ойда ёки муддат тугаганидан сўнг ойлик капитализацияни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

**МУДДАТЛИ «ЮЛДУЗ»** — 12 ойлик, йилига ***33%.*** Омонат бўйича тўлов пул қўйилган кунда тўланади.

**МУДДАТЛИ «ЕТТИ ЮЛДУЗ»** — 7 ойлик, йилига ***33%.*** Фоиз тўловлари муддат тугаганидан сўнг ҳар ойлик капитализацияни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

**«АБИТУРИЕНТ-2001» ЖАМҒАРМАСИ** — Омонат миқдори - 10.000 сўм. Фоиз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасига асосан белгиланади ва ушбу фоиз кўрсаткичлари ставкага қараб ўзгарувчан бўлади.

**«НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ** — 1 ойдан 12 ойгача.
Омонат миқдори
20.000 сўм - йилига ***34%,***
40.000 сўм - йилига ***35%,***
60.000 сўм - йилига ***36%,***
80.000 сўм - йилига ***37%,***
100.000 сўм - йилига ***38%,***
120.000 сўм - йилига ***39%,***
140.000 сўм - йилига ***40%,***
160.000 сўм - йилига ***41%,***
180.000 сўм - йилига ***42%,***
200.000 сўм - йилига ***43%,***
220.000 сўм - йилига ***44%,***
240.000 сўм - йилига ***45%.***
Фоиз тўловлари хоҳлаган пайтингизда тўланади.

**«ИПОТЕКА» ЖАМҒАРМАСИ** — 1 йилдан 3 йилгача, йилига ***33%,*** 3 йилдан 5 йилгача, йилига ***37%,*** 5 йил ва ундан юқори муддатга ***45%.*** Фоиз тўловлари ҳар чоракда ёки ҳар ойлик капитализацияни ҳисобга олган ҳолда муддати тугагандан сўнг тўланади.

**Бизнинг манзил: Тошкент ш., П. Ржевский кўчаси, 3-уй, тел. 54-14-98.**

3926

***ОМОНАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ БАНКНИНГ БАРЧА МИНТАҚАВИЙ БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.***



*«Наврўз» айёмингиз муборак, азиз юртдошлар!*

# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

## акциядорлик компанияси

*сизларни Баҳор байрами –*

# НАВРЎЗИ

*олам билан қизғин қутлаб, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик тилайди.*



Ўзбекистон телекоммуникацияси келажаги «Ўзбектелеком»га мансуб!

**O'ZBEKTELEKOM**
**Aktsiyadorlik kompaniyasi**
700000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 24.
Тел. 133-42-59. Факс: 136-01-88.
E-mail: uztelecom@uzpak.uz
http: //WWW.uztelecom.uz

3914



*Азиз таъсисчилар ва ҳамкасблар!*
*Қадрли акциядорлар ва мижозлар!*

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

# «ПАХТА-БАНК»И

## КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ

Сиз, азизларни уйғониш, янгиланиш ва яшариш фасли бўлмиш баҳорнинг энг гўзал байрами –

# Наврўз

билан самимий муборакбод этади!



*Кутлуғ Наврўз айёми ҳаммангизнинг оилангизга хуш кайфият, тинчлик-тотувлик, хонадонингизга файзу барака олиб кирсин!*

*Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда Сизларга омад ёр бўлсин!*

**"Пахта-банк" кенгаши.**
**"Пахта-банк" бошқаруви.**

## Наврўз – эзгулик, тотувлик ва меҳрибонлик байрами

# «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

## акциядорлик компанияси

барча ватандошларни

# НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан муборакбод этади!

*Мустақиллик шарофати туфайли Наврўз чин маънодаги меҳрибонлик ва саховат айёмига айланди. Шу сабаб ушбу гўзал байрамнинг ҳаётбахш зиёси қалбимизни, ҳаётимизни, хонадонимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан нурафшон этмоқда.*

*Ишончимиз комилки, мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланадиган 2001 йил буюк ўзгаришларга бой, эртаси мунаввар мамлакатимиз учун тараққиёт йили бўлажак. Зеро, бугун Ватан ва миллат саодати йўлида қилинаётган ишлар бунга қатъий ишонч уйғотади.*

## Азиз юртдошлар!

Сизларни Наврўз айёми билан
қутлар эканмиз, тинчлик, омонлик ва
бахт-саодат ҳамиша ҳамроҳингиз бўлишини
тилаймиз.
Саховатли, бетакрор ва гўзал
юртимиз узра озодлик ва тинчлик қуёши
мангу нур сочаверсин.
Азиз Ватанимизнинг буюк келажагини кўриш
бахти барчамизга насиб этсин.
Умрингизнинг ҳар куни Наврўзга
айлансин.



# Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

3047

O`zbekiston Ochiq Jamiyat Instituti Ko`mak Jamg`armasi

barcha o`zbekistonliklarni Navro`zi olam bilan samimiy muborakbod etadi !

Sizlarga mustahkam sog`liq, baxt-saodat, tinchlik-xotirjamlik va fayzu baraka tilaymiz !

Bahoriy kayfiyat hamisha hamrohingiz bo`lsin.

UZMACOM GSM

«ЎЗМАКОМ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ

НАВРЎЗ

ШОДИЁНАСИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ! МАНА ШУ БАҲОРИЙ БАЙРАМ ҲАР БИР ХОНАДОНГА БАХТ ВА ҚУВОНЧ, МЕҲРУ МУҲАББАТ ОЛИБ КЕЛСИН!

Бизнинг манзил:
Халқлар дўстлиги ш.к., 8.
Тел.: (998 71) 100-00-15*, 100-00-16*, 173-00-15 (* куну тун)
Факс: (998 71) 100-98-98, 120-63-78.
www.uzmakom.uz

3928

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —
«ҒАЛЛАБАНК»

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚИНИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИ, ЎЗ АКЦИЯДОРЛАРИ ВА МИЖОЗЛАРИНИ БАҲОР БАЙРАМИ —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!



ҲАР БИР КУНИНГИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН, ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



Спортимиз юлдузлари

# Ниятинг йўлдошинг бўлсин, Рустам

**Бугун Францияда бошланадиган тезкор шахмат бўйича жаҳон кубоги баҳсларида дунёнинг энг кучли 15 нафар спортчиси қаторида ҳамюртимиз Р.Қосимжонов ҳам қатнашади**

Айни замонда ўзининг ўта мафтункорлиги билан деярли барча мамлакатларни забт этган шахмат спортининг салафи бўлмиш шатранжнинг илк ватанларидан бири ўлкамиз эканлиги билан қувонамиз, ғурурланамиз, албатта. Ўрта асрларда етишиб чиққан олиялар, яъни ҳозирги тилда гроссмейстерларнинг талайгина қисмини ўрта осиёликлар ташкил этади. Айни пайтда ҳам ном қозонаётган спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Шулардан бири Рустам Қосимжонов — Ўзбекистон Миллий университети математика факультети магистратурасида билим олмоқда. Онаси Меҳринисо ая кимёгар олима, акаси Хуршид, икки амакиси ва раҳматлик отаси физик олим.

Модомики, қаҳрамонимиз ҳаётини математика ва шахматга бағишлаётган экан, биз улар ўртасидаги уйғунликка тўхталмоқчимиз.

Мустақил мантиқий тафаккур мактаби деб тан олинган шахмат ижодиётида Рустамнинг дадил парвоз қилаётганига яқинда Голландияда ўтказилган супер турнирда жаҳон чемпиони Г.Каспаров бошлиқ юлдузлар сафида ёнма-ён бўлганлиги яққол мисолдир.

Рустам Қосимжоновнинг ўйин услуби ҳақида гап кетадиган бўлса шундай воқеани келтириш мумкин.

1997 йилги Ўзбекистон чемпионати олий лига турнири поёнига етай, деб қолган бир пайтда икки пешқадам — жаҳон таснифи рўйхатида олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турган халқаро гроссмейстер Александр Ненашев билан халқаро мастер Рустам Қосимжонов ўзаро баҳсга киришди. Бу учрашув, айниқса, Рустам учун муҳим аҳамият касб этарди. Яъни, у ютиб чиқса, бир ўқ билан икки ўлжага эга бўларди: ҳам Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритарди, ҳам гроссмейстерлик учун белгиланган талабларни бажарарди.



Тўрт юришда мот

Сиз кўриб турган тахтада (оқлар бошлаб 4 юришда мот қилади) фарзин гомбитининг айни замонда турли мунозараларга сабаб бўлаётган долзарб вариантларидан бири юзага келди. Қора доналарни сурган Рустам бир пиёдани қурбон қилиб сипоҳларни тезроқ жангга шайлади. Кетма-кет берилган зарбалар оқибатида оқ шоҳ рокировка қилолмай марказда қолиб кетди. Бундан моҳирона фойдаланган қоралар устма-уст шиддатли зарбалар кўмагида рақибни оғир аҳволга солиб қўйди. Натижада Ненашев 21-юришда таслим бўлганлигини билдирди. Кейинги уч учрашувни ҳам муваффақиятли ўтказган Қосимжонов 10 очко жамғарган ҳолда республика чемпиони бўлиши билан бирга халқаро гроссмейстер унвонини олиш учун белгиланган талабни бажарди.

Германия Федератив Республикасида спорт клублари жуда кўп. Уларга кўплаб бошқа мамлакат вакиллари ҳам аъзо. Рустам Қосимжонов, мана бир неча йилдирки, «Зохинген» клубининг аъзоси сифатида унинг фаолиятида иштирок этиб келмоқда.

Рустамнинг дилидаги мақсадини ўзимиз фаҳмлаганимиздек изоҳлайдиган бўлсак, барча имкониятларни ишга солган ҳолда рамзий шахмат тахтига яқинлашиб, пайти келганда уни эгаллашдир. Бундан барча юртдошларимиз ҳам шод бўлиши аниқ.

**Мамажон МУҲИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон шахмат федерациясининг фахрий президенти.**










Мардлар қўриқлайди Ватанни

# Оқ йўл, лейтенантлар!

Тумонат одам тўпланган. Қиз-жувонларнинг қўлида гуллар. Оталар нигоҳида ғурур, оналар кўзида қувонч ёшлари. Шундай бўлиши ҳам табиий. Ахир бугун уларнинг оқ ювиб, оқ тараган жигарбандлари қасамёд қабул қилиб, лейтенант унвонини олишади.

— Бугун ўғлим нафақат офицерлик погонини тақади, балки энг олий — Ватан ҳимоячиси деган унвонга ҳам сазовор бўлаётир, — дейди битирувчи курсантлардан бирининг онаси. — Ўз элининг қўриқчисини тарбиялаб вояга етказиш қандай бахт эканлигини юракдан ҳис этяпман.

Ҳа, куни кеча Тошкент умумқўшин командирлари олий ҳарбий билим юртига келган кишилар бундай самимий дил сўзларини кўп бор эшитишди. Тўрт йил ҳарб илмидан сабоқ олган йигитларнинг Ватанига, Президентига содиқ хизмат этиш учун қасамёд қабул қиладиган тадбири ҳар сафар ана шундай ҳаяжонли кечади.

Ҳарбий хизматга отланаётган йигитларни мудофаа вазири Қодир Ғуломов табриклар экан, ёш лейтенантлар юртимизнинг муносиб посбони бўлишига, офицерлик касбининг ўзига хос қийинчиликларини сабот билан енгиб ўтишларига ишонч билдириб, уларга оқ йўл тилади.

**О.РАЖАБОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда




# Сўзлар маъноси ҳақидаги қомус

Заҳматкаш олимлардан кимни биласиз деган саволга ҳеч иккиланмай тилшунос олим, профессор Шавкат Раҳматуллаевни деб айтиш мумкин. У ўзининг 75 ёшини улкан ва шарафли иш — 600 бетли «Ўзбек тилининг этимологик луғати»ни яратиш билан кутиб олди. Айтиш керакки, этимологик луғат тузиш мураккаб иш, ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу соҳада иш олиб бориш учун муттасил ўқиб, ўрганиб, узоқ йиллар давомида маълумотлар йиғиб бориш керак.

Шавкат ака бу ишни амалга ошириш учун бутун илмий фаолияти давомида тайёрланди, десак муболаға бўлмас. Дастлаб «Ўзбек тилининг фразеологик луғати», сўнгра «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати», «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати»ни тузиб, мутахассисларнинг юксак баҳосини олди. Сўнгра этимологик луғат тузиш ишига киришди. Тўрт йил ичида жадаллик билан ишлаб, кўп адабиётлар кўрди, туркийшунос олимлар томонидан тузилган луғатларни синчиклаб ўрганди. Сўзлар тарихига оид турли қарашларни таҳлил қилди. Ва ниҳоят, ўз мустақил фикрини шакллантирди. Тўғри, ўзбек тили тарихида биринчи марта тузилган бу луғатда айрим камчиликлар, ноаниқликлар бўлиши мумкин. Буни муаллифнинг ўзи ҳам инкор этмайди. Лекин, муҳими, ўзбек луғатчилик тарихида янги иш яратилди. Келгуси авлод бу луғатни тўлдириб, тузатиб, мукаммаллаштиради.

Мазкур луғат Юртбошимизнинг маънавият ва маърифат соҳасида илгари сураётган ғоя ва талабларига ҳамоҳангдир. Зеро, «Ўзбек тилининг этимологик луғати» нафақат сўзнинг, балки халқимизнинг оғир ва машаққатли ҳаёти ҳақида маърифий маълумот берувчи қомусдир. Ундаги ҳар бир сўз замирида халқимизнинг минг йилликлар давомида ўз мустақиллиги учун олиб борган қонли, жонли кечмиши ётибди. Луғатдан чиқадиган бу маърифий сабоқ ёшларимизни ватанни севишга, уни ардоқлашга чақиради.

20-йилларда маърифатпарвар оталаримиз қандай янги китоб чиқса, севиниб бир-бирларини табриклар эканлар. Мен ҳам ушбу анъанани давом эттириб, «Ўзбек тилининг этимологик луғати» халқимизга муборак бўлсин, дейман.

**Эргаш УМАРОВ,**
**филология фанлари доктори.**

**Тошкент шаҳар ҳокимиятининг капитал қурилиш бош бошқармаси**

*Шайхонтоҳур туманида жойлашган Ҳамза номли театрни қайта қуриш ва таъмирлаш учун совутгич, иситгич, шамоллатиш(вентиляция), ёритиш, товуш кучайтиргич (звукоусиление) ва акустик ускуналарига*

**тендер (танлов) эълон қилади.**

Манзилимиз: «Ўзбекистон» шоҳ кўчаси, 16-уй.
Телефонлар: 144-35-59, 41-86-64.

3865

## External Vacancy Announcement No. 101/2001

The United Nations Population Fund in Uzbekistan is seeking a candidate for the post of **Project Driver**

**TERMS OF REFERENCE**

The *Project Driver* will work under the supervision of the Project Manager (PM) **on a full-time basis** and perform the following duties:

- To drive project vehicle for the transport of authorised personnel; to deliver and collect mail, documents and other items;
- To meet official personnel at the airport and facilitate immigration and customs formalities as required;
- To be responsible for the day-to-day maintenance of the assigned vehicle;
- To ensure that appropriate steps, as required by rules and regulations, are taken in case of involvement in accident;
- To perform other duties as required.

**Qualifications requirements**

| | |
|---|---|
| Knowledge and skills: | Completion of secondary education |
| Experience: | Minimum of three years (professional) driving experience. |
| Languages: | Russian and Uzbek languages, English is desirable. |

**Applications** (P11 forms completed) should be returned in a sealed envelope to the UNFPA/UNHCR office receptionist (14 M. Tarobiy str., Tashkent – 700100, Uzbekistan, contact phone 120-68-99, 152-58-50) during two weeks from the date of publication.

3896

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси ушбу қўмитанинг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Хайрулло Туробовга волидаи муҳтарамаси
**ҚУРБОНОЙ** аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Муштум» журнали таҳририяти журнал ходими Шоҳида Исоқовага падари бузруквори
**ИКРОМЖОН** отанинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

«Ўздонмаҳсулот» ДАК тизимидаги корхона ва ташкилотлар жамоалари шу соҳада кўп йиллардан буён ишлаб келаётган Абдуҳошим Муталовга отаси
**МУТАЛ** бобонинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

«Ташпрокоп» қўшма корхонаси жамоаси бош директор Абдуҳошим Муталовга падари бузруквори
**МУТАЛ** отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2115,
32212 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **И. ХУДОЁРОВ.**
Навбатчи — **У. ФАЙЗИЕВА.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**
**Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.40*
1 2 3 4 5 6